



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-ракам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғойбназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Саидахрор Саидахмедович Ғуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Учинчи Ренессансни шакллантириш таълим сифатига, таълим сифати педагогинг масъулиятига боғлиқ	5
Зокир Сайфиддинович Артиков, Дамир Улугбекович Хакимов Аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини таъминловчи неъматлар, уларнинг турлари, таснифи ва баҳолаш йўллари	10
Зариф Юсупович Аминов Инсон хавфсизлиги тушунчаси ва унинг турлари	16
Шокиржон Шарипжонович Банноев Маҳаллий озиқ-овқат бозорининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва вазифалари	20
Shahloxon Shavkatovna Sharifova Halol ovqatlanishga doir asosiy kategoriyalar mohiyati va zarurati	25
Акмал Алимжонович Салимов Мамлакат тараққиётини таъминлаш ва уни самарали бошқаришда инсон капиталининг ўрни	31
Ziyobidin Shaminovich Suvonov, Mavluda Shuxratjon qizi Shuxratjonova Halol oziq-ovqat sanoati va uni O‘zbekistonda rivojlantirish istiqbollari	37
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Нозир Алиевич Ибрагимов Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш – тараққиёт гарови	42
Шухрат Маъруфжонович Исломов, Нодира Абдуллаевна Эшқувватова Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларининг фаол бандлик сиёсати	46
Sardorbek Isroiljon o‘g‘li Qodirov O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanish tahlili	51
Зарина Ҳусановна Рафиева Рақамли технологиялар орқали банк-молия хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари	57
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рўзибой Нормухоматов, Акрам Джуракулович Ғафуров Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашнинг илмий асосларини билиш – нобудгарчиликни камайтиришнинг муҳим омилidir	63
Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Ўзбекистонда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва унинг муаммолари	65
Раънохон Махмудовна Каримжанова Наманган вилоятида қандолат маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари	68
Музаффар Мусаевич Усмонов К вопросам развития кооперации в плодоовощном секторе Узбекистана	72

Наврузжон Тухтамишович Махкамов – СамИСИ таянч докторанти

КОРХОНАЛАРНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИНГ РОЛИ

Аннотация: Мақолада сифат менежменти тизимларининг жорий этилиши ва самарали юритилиши корхонанинг умумий ривожланишига таъсири ўрганилган. Сифат менежменти тизимларини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи ташқи ва ички омиллар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: сифат менежменти, иқтисодий барқарорлик, атроф-муҳит таъсири, таъсир этувчи омиллар, барқарорлик кўрсаткичлари, рақобатбардошлик, замонавий технологиялар.

Кириш. Ташкилотлар фаолиятининг барқарорлиги ва ривожланиши ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Жорий фаолият самарадорлигини оширмасдан туриб, ташкилот истиқболда ҳам барқарор бўла олмайди. Шу билан бирга, агар фаолият барқарорлигини таъминлаш устувор вазифага айланса, сифатни яхшилаш, технологик ва маҳсулот инновациялари ва бошқа ўзгаришларни талаб қиладиган кучли рақобат шароитида унинг стратегик ривожланиш эҳтимоли камаяди. Барқарор ривожланишнинг мавжуд эмаслиги ташкилотда инқирозли вазиятларнинг пайдо бўлишига ва банкротликка олиб келади. Шунини инобатга олиб, ташкилотнинг узоқ муддатли муваффақиятли ишлаши учун унинг бошқарув фаолиятини жорий барқарорликнинг юқори даражасига асосланган стратегик барқарорликни таъминлашга йўналтириш керак.

Ташкилот барқарорлигини аниқлашнинг турли ёндашувларини таҳлил қилиш натижаларини умумлаштириш ушбу тоифани ташкилотнинг ташқи ва ички таъсирлар шароитида самарали ишлаш ва ривожланиш, аввалги ҳолатига қайтиш, ёки сифат жиҳатидан юқорироқ даражага ўтиш, сифат ва тузилмани унга яқин (маълум чегараларгача) ҳолатда сақлаш қобилияти сифатида тушунишга имкон беради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ташкилотнинг барқарорлиги моделини яратиш ва унинг даражасини баҳолаш учун ижтимоий-иқтисодий тизимлар (давлатлар, худудлар, туман ва шаҳарлар) ривожланишининг барқарорлигини ўрганувчи Х.Боссельнинг ёндашувини¹ кўриб чиқамиз. Унинг усули ижтимоий-иқтисодий тизим атроф-муҳитининг чекланган сонли хоссаларини ва улар томонидан аниқланган ўзига хос хусусиятлар рўйхатини танлашга ва уларни қиёсий баҳолашга асосланган бўлиб, улар ўртасидаги мувофиқлик даражасини аниқлаш имконини беради. Бу атроф-муҳитнинг барча тизимлар учун бир хил бўлган асосий хусусиятлари тўпламидир. Атроф-муҳитнинг ушбу асосий хусусиятларининг ҳар бири бошқа асосий хусусиятлар билан таққослаганда тақрорланмасдир - бошқа асосий хусусиятларнинг комбинацияси билан ифодаланиши мумкин эмас. Атроф-муҳитнинг асосий хусусиятларидан келиб чиқадиган асосий йўналишлар, уларнинг функционал тури ёки жисмоний табиатидан қатъи назар, барча ўз-ўзини ташкил этувчи тизимларда бир хилдир.

Н. В. Власова, Т. А. Безносоваларнинг фикрича, ташкилотнинг молиявий барқарорлигига ички ва ташқи омиллар турлича таъсир қилади. Биринчиси тўғридан-тўғри компаниянинг ўз фаолияти билан боғлиқ, иккинчиси унга нисбатан ташқидир, бу омилларнинг ўзгариши ташкилотнинг ҳаракатларига боғлиқ эмас. Бу омиллар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва молиявий барқарорликка кўпинча турлича таъсир кўрсатади: баъзилари ижобий, бошқалари эса салбий. Баъзи омилларнинг салбий таъсири бошқаларининг ижобий таъсирини камайтириши ёки ҳатто йўққа чиқариши ҳам мумкин.²

А.С. Кокин ва Г.Н.Яковлева “молиявий барқарорлик” тушунчасига қуйидагича таъриф берган: молиявий барқарорлик - бу корхонанинг молиявий ресурсларининг

¹ Боссель Х. Показатели устойчивого развития: теория, методика, практическое использование : пер. с англ. / под общ. ред. В.Р.Цибульского. Тюмень : Изд-во ИПОС СО РАН, 2001.

² Н. В. Власова, Т. А. Безносова. Основные факторы, определяющие стабильность финансового состояния организации // Молодой ученый. — 2020. — № 23 (313). — С. 370-372. — URL: <https://moluch.ru/archive/313/71403/> (Мурожаат вақти: 26.12.2022)

ҳолатини, уларни тақсимлаш ва ишлатишни англлатувчи комплекс тушунча бўлиб, у даромад ва капиталнинг ўсиши асосида корхонанинг ривожланишини кафолатлайди ва таъминлайди, шу билан бирга, йўл қўйиладиган хавф даражаси шароитида тўлов қобилияти ва кредит қобилиятини сақлаб қолади.¹

М.Э. Шухман эса “корхонанинг молиявий барқарорлиги - бу корхонанинг молиявий жиҳатдан кредит манбаларидан тўлиқ мустақил равишда, унинг тўлов қобилияти, рақобатбардошлиги ва узоқ муддатли ривожланиш параметрлари таъминланган ҳолати” деган таърифни келтирган.²

В.Н.Алферов ва А.Е.Филияевларнинг фикрига кўра, молиявий барқарорликни бошқариш самарадорлигига унинг таърифига ягона ёндашувнинг йўқлиги таъсир қилади, бу эса кўрсаткичлар ва коэффициентлар тўпламида фарқ қилувчи турли хил баҳолаш усуллари келтириб чиқаради. Аксарият ҳолларда улар муаллифлик хусусиятига эга бўлиб, айрим компаниялар ва соҳалар гуруҳлари учун тавсиявий характерга эга.³

Олимларимиз Р.И.Нуримбетов, С.Н.Нормуродов, Б.Р.Иброҳимовлар ўз тадқиқотларида қуйидаги фикрларни илгари сурганлар: бугунги кунда замонавий сифат менежменти тизимини самарали жорий этган корхона ва ташкилот ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва тақдим этаётган хизматлари сифати, умуман рақобатбардошлигини оширишлари орқали бозордаги ўз позициясини сақлаб қолиши ҳамда мустақамлаб бориши мумкин. Бу пировардида, корхоналар ва умуман мамлакат миллий маҳсулотлари ва хизматларининг рақобатбардошлигини оширишни таъминлашда муҳим омиллардан ҳисобланади.⁴

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишида танқидий ёндашув, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, қиёсий таққослаш, гуруҳлаш, кузатиш, тизимли ёндашув, абстракт-мантикий фикрлаш, омилли таҳлил усуллари кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, динамик ўсиш суръатларини сақлаб қолиш бир қанча омилларга бевосита ва билвосита боғлиқ. Қуйидаги 1-жадвалда атроф-муҳитнинг хусусиятлари билан белгиланадиган ва ташкилотнинг барқарорлигини тавсифловчи асосий йўналишларнинг мазмуни талқинлари умумлаштирилган.

1-жадвал.

Ташкилотнинг барқарорлигини таъминлашда асосий йўналишларнинг хусусиятлари

Тизим хусусияти	Асосий йўналиш	Асосий йўналишнинг тавсифи
Атроф-муҳитнинг нормал ҳолати	Мавжудлик	Ташкилот атроф-муҳитнинг нормал ҳолатига мос бўлиши ва ушбу муҳитда мавжуд бўлиш қобилиятига эга бўлиши керак. Ташкилотнинг мувозанатли ҳолатини таъминлаш учун зарур бўлган ахборот, моддий, молиявий, кадрларга оид ва бошқа ресурслар билан таъминланиши керак.
Ресурслар етишмаслиги	Самарадорлик	Чекланган ресурсларни (ахборот, материаллар ва бошқалар) сақлаб қолиш учун курашда ташкилот охир-оқибат самарадор бўлиб қолиши керак.
Атроф-муҳит хилма-хиллиги	Ҳаракат эркинлиги	Ташкилот муҳитнинг турли-туманлиги натижасида келиб чиқадиган талабларни ҳар хил йўллар билан

¹ А.С. Кокин, Г.Н. Яковлева. Показатели устойчивости организации // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2010, 3(1), с. 256–261, 260 с.

² М.Э. Шухман. Основные факторы, влияющие на финансовую устойчивость предприятия // Журнал экономических исследований. 2017. №. 3. С. 73-84. 83 с. URL:<https://naukaru.ru/ru/nauka/article/15955/view> (Мурожаат вақти: 26.12.2022).

³ В.Н.Алферов, А.Е.Филияева. Финансовая устойчивость организации: теоретические аспекты анализа и управления//Проблемы современной экономики, N 4 (72), 2019, с. 57 – 60, 59 с. URL:<http://www.m-economy.ru/art.php?nArtId=6755> (Мурожаат вақти: 26.12.2022).

⁴ Р.И.Нуримбетов, С.Н.Нормуродов, Б.Р.Иброҳимов. Замонавий сифат менежменти тизими ва уни жорий этиш масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2021 йил, 3/2021 (№ 00051), 71-80 б. 79-80 б. https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/8_Nurimbetov_Normurodov_Ibroximov.pdf (Мурожаат вақти: 27.12.2022).

		енгиш имкониятига эга бўлиши керак.
Атроф-муҳитнинг ўзгарувчанлиги	Хавфсизлик	Атроф-муҳит ўзгарувчанлигининг бекарорлаштирувчи таъсирдан, яъни атроф-муҳитнинг нормал ҳолатидан узоқлашадиган ўзгарувчан, бекарор ва кутилмаган шароитларда ташкилот ўзини ҳимоя қила олиши керак.
Атроф-муҳит таркибидаги ўзгаришлар	Мослашувчанлик	Атроф-муҳит шароитларининг ўзгариши билан қўйиладиган талабларга жавоб беришнинг адекватроқ усуллари ишлаб чиқиш мақсадида, ташкилот ўрганиш, мослашиш ва ўзини ўзи ташкил қилиш имкониятига эга бўлиши керак.
Бошқа ташкилотлар	Биргаликда фаолият юритиш	Ўз атрофида мавжуд бўлган бошқа ташкилотларнинг хатти-ҳаракатлари ва манфаатларини ҳисобга олиш мақсадида ташкилот ўз хатти-ҳаракатларини ўзгартира олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ташкилотнинг ҳар бир асосий йўналишининг ўзига хослигига, уни бошқа йўналишларнинг комбинацияси билан ифодалашнинг иложи йўқлиги билан намоян бўлишига қарамай, ташкилотнинг индивидуал асосий йўналишларини бошқаларидан ажратилган ҳолда қондиришнинг тўлиқ автономиясини кўриш мумкин эмас. Масалан, "хавфсизлик" мезонидан кўпроқ қониқиш "ҳаракат эркинлиги" мезонига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки биринчисини қондириш учун ташкилотга қўшимча молиявий ресурслар керак бўлади, бу эса, мос равишда иккинчи мезон қондирилишига тўғри келмайди. Бироқ, бу "хавфсизлик" йўналиши "ҳаракат эркинлиги" мезони ўрнига ишлатилиши мумкин дегани эмас.

Шу билан бирга, синергия таъсири ҳам истисно қилинмайди, бу бир вақтнинг ўзида бир йўналишнинг қониқишини ошириш орқали бошқа мезоннинг ҳам қониқиш даражасини оширишга эришиш мумкинлигини билдиради. Мисол учун, ташкилот томонидан чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш (самарадорлик), иқтисод қилинган ресурслардан ташкилотнинг бошқа мақсадлари учун фойдаланиш, унинг ҳаракат эркинлиги ошишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, самарадорлик ва ҳаракат эркинлиги ташкилотнинг бутунлай бошқа-бошқа асосий йўналишлари бўлиб қолади.

Ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган асосий йўналишларга қуйидагилар киради: қайта ташкил этиш (ташкилотлар ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш қобилиятига эга бўлиши керак), психологик эҳтиёжлар (ташкилот одамлар тўплами сифатида боғланиш, эҳтиёжлар, ҳиссий стресс ва бошқаларга эга), масъулият (ташкилот ўз ҳаракатлари турли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англайди ва ҳаракатлари учун жавобгардир).

Ушбу асосий йўналишлар бошқариладиган муҳит сифатида ташкилотнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади, атроф-муҳит, яъни ташқи томондан белгиланадиган йўналишлар эса уларнинг ўзгаришларига мослашувчанлик заруратини белгилайди.

Агар ҳар бир асосий йўналиши атроф-муҳитнинг ўзига хос хусусиятининг бекарорлаштирувчи таъсирини зарарсизлантира олса, ташкилот барқарор бўлади. Ташкилотдаги мослашув жараёнлари унга атроф-муҳит томонидан таъсир этаётган ўзгаришлардан тезроқ содир бўлган шароитда ташкилот барқарор ривожланади. Шу сабабли, бутун атроф-муҳитдаги муҳим ўзгаришлар тўғрисида тўлиқ ва ўз вақтида маълумот берадиган кўрсаткичларни аниқлаш ва бу маълумотни ҳар бир асосий йўналиш учун реакция қилишнинг эҳтимолий тезлиги билан боғлаш муҳимдир.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот давомида қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, ташкилотни ривожлантиришнинг умумий стратегиясида сифат менежменти тизимини ҳисобга олиш керак.

Иккинчидан, сифат менежменти тизимини, агар у икки ёки ундан ортиқ бўлса, интеграциялаш ва параллел ривожлантириш масалаларини кўриб чиқиш лозим.

Учинчидан, сифат менежменти тизими фаолияти ва ривожига таъсир кўрсатувчи барча ички (ходимлар компетенцияси, рақамлаштириш даражаси, ишлаб чиқариш жараёни ва б.) ва ташқи (истеъмолчилар талаби, рақобатчилар ҳаракати, бошқа манфаатдор томонлар фикрлари ва б.) омилларни тўлиқ таҳлил қилиш ҳамда бошқарув тизими билан уйғунлаштириш маҳсулот/хизмат сифатини яхшилаб боришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги таклифлар шаклланди:

1. Маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги мавқеини ошириш учун корхоналарда сифат менежменти тизимларини жорий этишни жадаллаштириш лозим.

2. Халқаро стандартларни жорий этиш расмиятчилик учун, ёки истеъмолчи талаблари рўйхатида бўлганлиги учун эмас, балки ҳақиқатда маҳсулот сифатини яхшилаш, харажатларни камайтириш учун амалга оширилиши мақсадли.

3. Сифат менежменти тизимининг корхона барқарорлик кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш, таҳлил қилиб бориш, натижаларни мониторинг қилиш ҳамда зарурий тузатишлар киритиб бориш муҳим. Бу чора-тадбирлар корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш, бозордаги нуфузини сақлаб қолиш, маҳсулот/хизматлар сифатини ошириш ва корхонанинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Боссель Х. Показатели устойчивого развития: теория, методика, практическое использование : пер. с англ. / под общ. ред. В.Р.Цибульского. Тюмень : Изд-во ИПОС СО РАН, 2001.
2. Н. В. Власова, Т. А. Безносова. Основные факторы, определяющие стабильность финансового состояния организации // Молодой ученый. — 2020. — № 23 (313). — С. 370-372. — URL: <https://moluch.ru/archive/313/71403/> (Мурожаат вақти: 26.12.2022)
3. А.С. Кокин, Г.Н. Яковлева. Показатели устойчивости организации // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2010, 3(1), с. 256–261, 260 с.
4. Шухман М. Э. Основные факторы, влияющие на финансовую устойчивость предприятия // Журнал экономических исследований. 2017. №. 3. С. 73-84. 83 с. URL:<https://naukaru.ru/ru/nauka/article/15955/view> (Мурожаат вақти: 26.12.2022).
5. В.Н.Алферов, А.Е.Филяева. Финансовая устойчивость организации: теоретические аспекты анализа и управления//Проблемы современной экономики, N 4 (72), 2019, с. 57 – 60, 59 с. URL:<http://www.m-economy.ru/art.php?nArtId=6755> (Мурожаат вақти: 26.12.2022).
6. Р.И.Нуримбетов, С.Н.Нормуродов, Б.Р.Иброҳимов. Заонавий сифат менежменти тизими ва уни жорий этиш масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2021 йил, 3/2021 (№ 00051), 71-80 б. 79-80 б. https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/8_Nurimbetov_Normurodov_Ibroximov.pdf (Мурожаат вақти: 27.12.2022).

<p>Н.Махкамов</p> <p>Роль системы управления качеством в устойчивом развитии предприятий</p> <p>Аннотация: В статье рассматривается влияние внедрения и эффективного управления системами менеджмента качества на общее развитие предприятия. Анализируются внешние и внутренние факторы, влияющие на развитие систем менеджмента качества.</p> <p>Ключевые слова: управление качеством, экономическая устойчивость, воздействие на окружающую среду, факторы, показатели устойчивости, конкурентоспособность, современные технологии.</p>	<p>N.Makhkamov</p> <p>The role of the quality management system in the sustainable development of enterprises</p> <p>Abstract: The article discusses the impact of the implementation and effective management of quality management systems on the overall development of the enterprise. External and internal factors influencing the development of quality management systems are analyzed.</p> <p>Keywords: quality management, economic sustainability, environmental impact, factors, sustainability indicators, competitiveness, modern technologies.</p>
--	--

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023